



Авлиё Чалабий – турк сайёҳи ва машхур олим. Тўлик исми: Авлиё Чалабий Муҳаммад Залли ибн Дарвиш. У 1611 йилда Стамбулда заргарлар оиласида дунёга келган.

Авлиё Чалабий илмга бўлган кучли кизиқиши туфайли ўз замонасининг етук билимдонларидан бирига айланган. У араб, форс, юнон тилларини, шунингдек, тарих, жугрофия ва шеърят фанларини чуқур ўзлаштирган. Авлиё Чалабий бир муддат Стамбулдаги Айя-София масжидида кори сифатида хизмат килган. Кейинроқ султон саройига хизматга қабул қилиниб, саройдаги турли вазифаларда ишлаган. Шунингдек, у бир неча бор турк армиясининг Азов (1641) ва Венгрия (1656) юришларида иштирок этган.

Саёҳатлари

Авлиё Чалабий Осиёнинг турли минтақаларига ва жаҳоннинг бир қатор мамлакатларига сафар қилган:

- Кичик Осиё, Курдистон, Сурия, Фаластин, Месопотамия, Миср ва Хабашистон (1640 йилларда);
- Жанубий Россия (1665);
- Қрим ва Кафкоз (1644—1648);
- Украина (1656, 1680).

У ушбу саёҳатлари давомида мамлакатларнинг тарихи, иқтисодий-сиёсий аҳволи, халқларнинг урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар йиғиб, уларни ўзига хос

тарзда баён этган. Бу маълумотлар Авлиё Чалабийнинг машхур асари – «Саёхатнома» (турк тилида «Сейяхатнаме»)да ёритилган.

«Саёхатнома»

«Саёхатнома» асари турли мамлакатлар ва халклар хакида батафсил маълумот берувчи муҳим тарихий манба ҳисобланади. Асарнинг кўлёзмалари ҳозирда Туркия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатларда сақланмоқда.

- «Саёхатнома» 1897—1938 йиллар оралигида турк тилида 10 жилдда нашр этилган.
- Асарнинг айрим қисмлари Ғарбий ва Шарқий Европа тилларига таржима қилинган.
- Молдавия ва Украинага оид қисмлари рус тилига таржима қилиниб, 1961 йилда нашр этилган.

Авлиё Чалабийнинг ҳаётининг охири

Авлиё Чалабий 1683 йилда вафот этган. Унинг илмий ва саёхат асарлари бугунги кунда ҳам муҳим манбалардан бири сифатида ўрганилмоқда.

Бўрибой Аҳмедов